АМЕРИКА ЭЛЧИСИ НАВОИЙДА

Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Стенли Эскудэро Навоий вилояти ишлаб чиқариши ва саноати билан яқиндан танишди. У электрокимё, машинасозлик, цемент заводлари, "Навоийазот" ишлаб чиқариш бирлашмасини кўздан кечирди. Элчи Қизилқум сарҳадларидаги Учқудуқ ва Зарафшон шаҳарларида ҳам бўлиб, Америка-Ўзбекистон ҳамкорлигида қурилган қўшма корхоналар фаолияти билан қизикди.

Музаффар ШАРОПОВ.

ЖАҲОН БАНКИ АРМУҒОНИ

Жаҳон тараққиёт ва ривожланиш банки Мўйноқ тумани мактаб ўқувчиларининг ҳар бирига 3 минг сўмлик кийим-кечаклар совға қилди. Тумандаги 1-,2-,7-ўрта мактабларнинг ўқувчилари беҳад миннатдор бўлдилар. Бундан ташқари туман балиқчиларига 3,5 минг дона ов анжомлари, Хўжайли шаҳридаги болалар интернатига кийим-кечаклар хайрия этилди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ЎҚУВ ЖИҲОЗИ – КОМПЬЮТЕР

Республика Халқ таълими вазирлиги Бухоро вилоят халқ таълими бошқармасига 8 та компьютер синфини ташкил этишда бош-қош бўлди. Такомиллашган бу компьютерларнинг 5 таси "IBM-486" ва 3 таси "Правец" русумлидир. Бу ўқув жиҳозлари Ғиждувон, Шофиркон, Бухоро, Олот, Қоракўл, Пешку, Қоравулбозор, Когон туманларидаги мактабларга ўрнатилди.

Даврон БАҲРОНОВ.

ЯПОНИЯГА БОРИШНИ КЎЗЛАБ

Ўзбекистон хотин-қизлари волейбол терма командаси эртага Марказий ҳарбий спорт клубида Қозоғистон командасини қабул қилади. Ўзбек қизлари Алматидаги учрашувда қозоқ дуғоналарини 3:0 ҳисобида доғда қолдирган эдилар.

Эртанги учрашувда ғолиб чиққан команда Осиёдаги кучли командалар билан беллашади. Ўзбекистон волейболчи хотин-қизлари келгуси йил Японияда бўладиган жаҳон биринчилиги учун масъулиятли саралаш ўйинларида қатнашмоқда.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 14 июнь, шанба № 69 (22.153).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан, Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев шу йил 18 — 19 июнь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 июнь куни Жанубий Кореянинг «ДЭУ» компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жунг бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

— Сизнинг ҳар бир ташрифингиз чоғида доимо аниқ ва амалий масалалар ўртага ташланади. Мазкур масалалар ўзаро ҳамжиҳатликда ўз ечимини топаётгани, албатта, қувонарлидир, — деди Ислом Каримов. — Ушбу учрашувимиз ҳам ўзаро ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришда ўзининг амалий самарасини кўрсатиши шубҳасиз.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан «ДЭУ» компаниялари гуруҳи ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳар икки томон учун ҳам бирдек манфаатли эканини айтди.

Жаноб Ким У Жунг ўзи раҳбарлик қилаётган «ДЭУ» компаниялари гуруҳи билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик имкониятлари кенгайиб бораётганидан мамнуниятини билдирди.



СУРАТДА: қабул пайти.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Мулоқот чоғида Ўзбекистонга киритилаётган «ДЭУ» сармоялари ҳажмини янада кенгайтириш, ўзаро ҳамкорликда Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида тўқимачилик фабрикасини очиш билан боғлиқ масалалар хусусида фикр алмашилди.

Қабул маросимида Бош вазир Ў.Султонов, Бош вазир ўринбосари В.Чжен иштирок этди.

(ЎзА).

Олий мактаб янгиликлари

ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИНИ ЎРГАНИШМОҚДА

Республика олий ўқув юртларида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини ўрганишга бағишланган лекция машғулотлари бошланди. Бу машғулотларни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти билан биргаликда уюштирди.

Мазкур институт илмий ходимлари билан учрашувга талабаларгина эмас, олий ўқув юртлари профессор ва ўқитувчилари ҳам келишмоқда. Олимлар тингловчиларни Президентимиз китобидаги асосий қоидалар билан таништириб, бу асар жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида катта назарий, услубий ва амалий аҳамиятга эга эканини кўрсатиб беришмоқда. Хусусан, китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган, унда халқимиз ислоҳотларни амалга ошириш чоғида дуч келаётган кўпгина муаммолар тушунтириб берилгани, уларни ҳал этишнинг аниқ йўллари кўрсатилгани, Ўзбекистоннинг ривожланган, демократик давлатга айланиши учун шарт-шароитлар тўла таҳлил қилиб берилгани таъкидланмоқда.

Бундай учрашувлар пойтахтдаги икки дорилфунунда — ТошДУ ва Давлат техника университетида бўлиб ўтди. Давлатимиз бошлиғи асарини ўрганишга бағишланган лекцияларни Тошкентдаги яна икки олий ўқув юрти — Архитектура-қурилиш ва Кимё-технология институтларининг талабалари ва ўқитувчилари ҳам тингладилар. Яқин вақт ичида бундай машғулотлар Ўзбекистоннинг барча вилоятларидаги олий ўқув юртларида бўлиб ўтади.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *Россия мудофаа вазири Игор Сергеев Россия ва Украина ҳарбий денгиз кучлари ҳамкорликда шу йилнинг кузида ҳарбий ўқув машғулотлари ўтказиши мумкинлигини инкор этмади.*

* * *

☑ *Европа комиссияси раиси Жак Сантер Европа парламенти депутатлари олдида Европа иттифоқи ҳақидаги янги шартнома лойиҳасини ҳимоя қилди.*

* * *

☑ *Конго Президенти ўт очишни тўхтатиш ҳақида фармон берди. Исёнчилар музокаралар олиб боришга тайёр.*

* * *

☑ *Шимолий Атлантика ассамблеяси Россия парламенти билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ниятида.*

* * *

☑ *Колумбияда Рихтер шкаласи бўйича 6,2 балл куч билан ер силкиниши рўй берди.*

* * *

☑ *Вильнюснинг чекка ҳудудидан уран топилди, у 1992 йилда Игнал АЭСидан ўғриланган.*

* * *

☑ *Афғонистоннинг Пули Ҳумри шаҳрида «Толибон»чилар ҳарбий гуруҳлари тормор этилди.*

* * *

☑ *Россиянинг Иваново вилоятига ҳақиқий бўлмаган спиртли ичимликларни етказиб берувчи жиноий гуруҳнинг раҳбари ҳибсга олинди.*

* * *

☑ *Нигериянинг ҳарбий қўшинлари ва полиция кучлари ҳарбий режимга қарши ҳужумни кутиб тўла шайлик ҳолатига келтирилди.*

* * *

☑ *Швеция ҳукуматиУкраина билан ҳамкорлик ўрнатилишидан манфаатдор эканлигини маълум қилди.*

МИНГ ДОЛЛАРЛИК МУКОФОТ

Уста Сафо Ғоғибековнинг номи хорижда ҳам маълум.У бошчилигида қурилган Хевадаги Жума масжиди, Нуриллабой обидаси, Карвонсарой ҳовлиси, Отажон тўра ва Паҳлавон Маҳмуд мадраса-мақбаралари, Шаҳрисабздаги тарихий иншоотлар, Нукусдаги Бердах номли театр биноси, «Ўзбекистон» ресторанида ўрнатилган ёғоч ўймакорлигига хос санъат намуналари халқ мулкига айланган. Усталар Франция шаҳарларидан бирида очилган паннони безашда иштирок этиб, оврўпалик меҳмонларни ҳайратга солишганди. Устанинг фарзанди Ҳайитбой Боғибеков Тошкентда ўтказилган халқаро кўргазмада иштирок этиб, БМТ сертификати ва 1000 долларлик мукофотни қўлга киритди. Энди у бу ҳужжат билан ўзининг нақшинкор асарларини хорижга олиб бориш имкониятига эга бўлди.

Раъно ҚУРБОННИЁЗОВА.

ЙИЛЛИК РЕЖА УДДАЛАНДИ

Ангор туманидаги «Занг» жамоа хўжалиги деҳқонлари республикада биринчи бўлиб ғалла топшириш йиллик режасини бажарди. Ҳар гектар ердан 41,5 центнердан — жами 624 тонна ҳосил олинди. — Далаларимизда ҳосил ҳар йилгидан мўл бўлди, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Эшбўри Алиқулов. Ўрим-йиғим қизғин давом этмоқда. «Занг»лик ғаллакорлар ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил олиш учун меҳнат қилишмоқда.

Гулираъно ТОЖИМАТОВА.

ҚИБРАЙДА МАЪДАНЛИ СУВ

Айни саратон ойлари бошланиши арафасида элимизга тоза маъданли сувлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўлида саъй-ҳаракат қилинмоқда. Хусусан, Қибрай туманида «Макс-Хуросон ЛТД» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси самарали фаолият кўрсатмоқда. Бор йўғи олти ой ичида корхонада қарийб 15 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланди. Гарчанд маъданли сув 1700 метр чуқурликдаги ер қаъридан олинишига қарамай, узлуксизлик таъминланган. Умуман, туманда чет эл сармоялари жалб этилган бундай қўшма корхоналар сони тобора кўпаймоқда.

Соҳибжон САЛИМОВ.

ТИЛЛО УНДИРИБ, ҒЎЗАПОЯ ОЛАЁТГАНЛАР

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

— Кўп вақт бўлдики, бригадалар ҳақида ёзмаппан. Фермер, мулкдорлар чиқиб, мухбирлар бригадирларни унутиб қўйишди, — дедим Усмон Мустафоевга

(Мустафоев Шўрчи туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси раисининг муовини.)

Усмон акаям, товони қизиб турганми экан, — мен сизга бригадирнинг зўрини топиб бераман. Ёзаман десангиз — кетдик, — деди.

Жўнадик.

Шўрчидан чиқиб, Қумқўрғон ариғининг кўпригидан дала томон ўтган жойимизда, толнинг соясида эски велосипедига суяниб турган одамни учратдик.

— Бу шунқор йигит биз излаган бригадирнинг табелчиси. Агар адашмасам оти Абдуллаев Жўра, — деди Усмон ака шўрчиликларга хос бўлган самимий сўзамоллик билан.

Табелчи Мустафоев уни «шунқор» деб сийлаганидан ва исми-шарифини ҳам билганидан завқи келиб жилмайди.

— Бригадирни топ. Мухбир ундан интервью олмоқчи, — деди Усмон ака.

— Бригадир пилланинг бошида. Газетага чиқадиган тўртта фамилия билан тўртта рақамни ўзим ҳам ...айтавераман, — деди табелчи кўнглига туйган ҳов бояги завқдан ҳали-ҳамон чеҳраси ёниб.

Ғўзаси плёнканинг тагидан униб чиққан даланинг ичкарироғига юрамиз.

— Гектарига неча килодан уруғ экдинглар, — деб сўрайман табелчидан.

— Йигирма етти гектарда пахта, ўн беш ярим гектарда ғалла ўстиряпмиз, — дейди табелчи мен сўраган гапни эшитмагандай бўлиб.

— Туман бўйича гектарига 80 килодан чигит экилган бўлиши керак, — дейди Мустафоев.

— Уруғлик чигитнинг килосини неча сўмдан сотиб оласизлар, — деб сўрайман табелчидан.

— Буни... билмайман, — дейди табелчи бу саволим унга малол келгандай.

— Бир гектарни культивация қилган трактор қанча ёнилғи ёқади?

Табелчи елка қисди.

— Ёнилғининг — солярканинг нархи неча сўм?

— Ўн олти ярим сўм бўлса керак-ов.

Қуёшда куймасин деб, юзини рўмол билан ўраб олган қиз бизга салом берди.

— Нуриллаева Зуҳра. Илгор чопиқчимиз, — дея табелчи уни таништирди.

— Апрель ойида қанча иш ҳақи ишлабсиз, — деб сўрадим Зуҳрадан.

— Билмайман. Табелни ўқиб беришгани йўқ. Март ойининг маошини ҳам билмайман.

— Ўқиб бермайсизларми, — деб сўрайди Мустафоев табелчидан.

Табелчи индамайди.

— Бир кунлик иш ҳажми (нормаси) қанча? Бир нормага қанча иш ҳақи ёзилади?

— Билмайман.

Зуҳрадан нарироқда ишлаётганлар томон юрамиз. Бирининг бошида «Адидас» шапка. Иккинчиси — ялангбош. Ялангбоши — Чориев Собир экан. 9-мактабнинг 8-синф ўқувчиси. Бугун акамнинг ўрнига ишга келдим, дейди. Лекин қўлларининг ишга эплашувига қараганда ишга фақат бугун келганга ўхшамайди. Футболга қизиқар экан (ўғил боланинг футболни ёмон кўргани борми). Дарсликлардан ташқари қандай китобларни ўқияпсан, деб сўрадим. Айтолмади.

Ашуладан ким дарс беради, чолғу асбобларидан қайси бирини чалишни биласан, дедим. Айтолмади. Телевизордан қўйиладиган каратэ киноларга қизиқаман, деди.

Пешонасидан оққан терга кўзлари ачишиб, бурнини тортиб ва яна катталар қараб турганда ишни чала қилмаяпманмикан, деган ҳадикдан ҳовлиқиб-шошиб ҳаракат қилаётган 8-синф ўқувчисининг ҳолатидан, тўғриси Усмон Мустафоев хижолат тортиб кетгандай бўлди. Лабини тишлади.

— Бошингга шапка кийиб ол, Собиржон, — деди Усмон ака товуши товланиб. — Шапка киймасанг офтоб уриши мумкин. Офтоб урса, бўйинг ўсмай қолади.

— Ҳов ана, бригадир ўтиб боряпти, — деди чопиқчилардан бири шийпоннинг йўлини кўрсатиб.

Табелчи дўпписини қўлига олиб бригадирни имлади. Бригадир келди. Ўзини Мусурмонов Абдилазизман, деб таништирди.

— Бултур бир тонна пахта етиштиришга қанча азот, қанча фосфор харж қилдингизлар, — деб сўрадим бригадирдан.

Мусурмонов Усмон акага қаради.

— Таннарх-чи? Пахтаники, ғалланики?

— ...

— Бултурги харажатлар қанча бўлдию даромадлар қанча бўлди?

Бригадир яна Мустафоевга қаради. Мустафоев, гапиравермайсанми билганингни дегандай ишора қилди.

— Харажатлару даромадларнинг даннийси (рақамлари, демоқчи) экономистда — деди Мусурмонов, — Лекин убиткани (зарарни, демоқчи) тахминан биламан — 400 минг сўмча бор.

— 400 минг сўм зарар: қуйруқдай ердан-а. 40 гектар ердан — 400 минг сўм... Ай, Мусурмонов, — шундай деб Мустафоев яна лабини тишлади. — Биз сизни бригадирларнинг кузири деб юрибмиз яна. Аъзоларингиз табелчи икковингизни даладан ҳайдаб юбормаганига ҳайронман.

— Пахта планини бултур 112 фоизга бажарганмиз. Ҳар колхозчига икки тележкадан ғўзапоя бердик, — гапга аралашди табелчи.

— Мухбир ака қуруқ қайтмай шуларни ёзсин...

Табелчининг бу гапидан Мустафоев баттар торикди. Қўл силтади. Сенлардан ерни олиб одамига бериш керак, — деди. Биз қайтдик.

Машинамиз ўрнидан жилганини кўриб бригадир ҳам, табелчи ҳам енгил нафас олгандай бўлди. Шу заминни, шу касбини, шу зироатни жонидан яхши кўрган бу одамларга фойдаю зарар деган гаплар чамаси китоби бўлиб кўринарди. Улар учун бригадирми, бошқасими юритаётган ҳисоб-китоблардаги пароканда-ликларни ўйлашдан кўра бир туп ғўзанинг бўғзига юмшоқ тупроқ тортиш ғанимат эди.

Мустафоевнинг айтишича, Шўрчи туманида юз элликдан ошиқми бригада бор. Демак, 150 та бригадир, яна шунча табелчи, ҳар бригадада 60—70 тадан одам. Ўзлари ишлаётган ерни бригадирники, табелчиники, раисники деб ўйлаганларидан етиштирган пахтанинг таннархи, харид нархи билан қизиқмайдиган, айни замонда режани фалон фоизга ошириб бажарганлари куни бор чарчоқларини унутиб юборадиган танти одамлар.

Мен ўйлайман: Ердан манфаат, маҳсулотдан фойда, меҳнатнинг ҳузуридан бир нишона кўрсаларми, шу тупроқни тиллога айлантириб юбормасмиди улар. Ҳозир бўлса уруғ экиб, ўриб йиғаётганлари — зарар. Тилло ундириб, қўлга олаётганлари, табелчи ҳув боя айтиб ўтгандай — ғўзапоя...

Мустафоев ҳам эҳтимол шулар ҳақида ўйладими, машинада кетаётиб яна, — эҳ, — деди. Лабини тишлади...

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳуқуқ ва шахс

ЯХШИЛИКНИЯМ, ЁМОНЛИКНИЯМ БОЛА УЙИДАН ЎРГАНАДИ

Фориш тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси Маматқул НАЗАРОВ билан суҳбат

— Маматқул ака! Ёшлар турли жиноят, ҳатто оғир жиноятларга ҳам қўл ураяпти. Бу ташвишли ҳолни сиз қандай изоҳлайсиз?

— Шу пайтгача ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмаган. Ёш гўдакнинг ўсмирлик чоғигача ён-атрофдаги турли сабаблар унга таъсир этади. Яхшиликниям, ёмонликниям бола аввало уйидан ўрганади. Сўнг мактаб, кўча-кўйдан. Ёшларнинг жиноят содир этишларининг туб сабабларини ўзимча таҳлил қилганман. Хулосаларимдан бири шуки-жамиятимиз асосини ташкил қиладиган айрим оилалар фарзандлари тарбияси билан шуғулланмай, бефарқ қарайдилар.

Ота-она ўз фарзандига қандай масъуллик билан ёндошишига қараб, фарзанд ҳам уларга шуни қайтаради. Аввал бошда бировнинг нинасини олиб келгани учун мақтов эшитган бола эртаси тухум, сўнг товуқ... кетаверади. Қўшнининг боғига кирганига отасидан «ҳақини олган» бола бир умр шу ишни қилмайди.

Маърака, кўча-кўйда ўзини тутишини кўриб, кимнинг боласи бу, ким ўқитган деймиз. Демак ёшларнинг тарбиясига асосан уй ва мактаб кўпроқ таъсир этади.

Ҳеч бир ота-она ўзининг фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Шунга қарамасдан, айрим ёшларнинг кўча-кўйда тентираб юриши, жиноятга қўл ургани ҳаммани ташвишга солаётгани йўқ. Оила, маҳалла қўмиталари, таълим муассасалари, жамоат ва давлат ташкилотлари ўртасида ёшлар тарбиясига етарли жипслик мавжуд эмас.

Ёшлар ўртасидаги турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, улар ўртасида жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш тадбирларимиз давр талабига ҳали жавоб бермайди. Шу сабабли ҳам туманимиз мисолида олсам, ўтган йилнинг тўрт ойи давомида 21 нафар вояга етмаганлар турли ҳуқуқбузарлик учун туман ички ишлар бўлимига олиб келтирилган бўлсалар, жорий йилнинг тўрт ойида 23 ўспирин тушди. Шундан ўтган йилда тарбиявий иш олиб бориш учун 17, бу йилда эса 13 нафар вояга етмаганлар профилактик ҳисобга олинган.

Улар томонидан ўтган йилда 4 та жиноят содир қилинган бўлса, бу йилнинг 4 ойида 5 та жиноятга қўл урилган. Ушбу жиноятларнинг учтаси бевосита мактаб ўқувчилари томонидан содир этилган.

Жиноятчиларнинг олти нафари ҳеч қаерда ишламаган ва ўқимаганлар. Улар томонидан инсоннинг ҳаётидан жудо қилиш каби оғир ва ўта оғир жиноятлар қилинганлиги ҳар биримизда жиддий ташвиш уйғотади.

— Мактаб ўқувчилари қайси ҳолатларда жиноят содир этган?

— Ўтган йилнинг 30 январь куни туманимизнинг М. Оролов ширкатлар уюшмасининг Каттасой қишлоғида ота-онаси билан бирга яшаган А.Қодирий номли 74-мактабнинг 11-синф ўқувчиси, вояга етмаган Маликов Шерзод шу мактаб ҳарбий таълим ва умумий биология ўқитувчиси Ҳамдамов Тўйчини ов милтиғи билан отиб, қотиллик жиноятини содир қилган. Ота — Маликов Ҳабибулла ўз ўғлига милтиқни узатади ва от деб кўрсатма беради. Милтиқ аслида уйда ноқонуний сақланган.

Туман ИИБ ҳисобида турувчи, вояга етмаган Лутфуллаев Жаҳонгир ота-онаси билан Янгиқишлоқ шаҳарчаси Ф.Хўжаев кўчасида яшайди. У спиртли ичимлик ичишга муккасидан кетади. Шу туфайли у фуқаро Тошпўлатовга нисбатан жамоат жойида безорилик қилган. Жаҳонгир ўзининг жиноий ҳаракатини давом эттириб, шу йилнинг 3 март куни жиноий шериги Юсупов Х. билан яна спиртли ичимлик ичади. «Баҳт» савдо маркази олдида Худойбердиевга нисбатан безорилик қилиб, тан жароҳати етказади.

Ҳали айрим оталар ўз боласини жиноятга жалб қилганликларини айтдик. Ана шундайлардан яна бири — Туменбоев Нишонбой. Нафс деб, текин овқат деб, у ўз боласини жиноятга жалб қилган, Туменбоев Нишонбой ўзининг 1980 йилда туғилган 17 яшар ўғли Марат билан Арнасой ширкатлар уюшмаси иккинчи фермасида яшовчи Исломов Эшимнинг бир бош тойини ва Анваровнинг бир бош отини ўғрилаб, Навоий вилоятига ўтказиб сотиб юборган.

Шу ўринда мен жамоатчилик диққатини бир нарсага жалб этмоқчиман. Профилактик ҳисобга олинганларнинг ота-оналари фарзандларини милицияга нима учун чақирилганлиги, уларга қандай ёрдам кераклиги билан нега қизиқмайдилар? Қоларса, маҳалла қўмиталари, фуқаролар йиғинларининг оқсоқолларичи?

— Энди икки оғиз сўзни оиламиз таянчи, фарзандларимиз ҳамдарди-муқаддас оналар тўғрисида айтсак. Афсуски, жамиятимизда муқаддас она сўзини оқламаган, шаън қадр-қимматини поймол қилган, жиноят содир этаётган хотин-қизларнинг борлиги ташвишли ҳолдир.

— Биздаям ўтган йилларда жами содир этилган жиноятларнинг қарийб 3,0 фоизи хотин қизлар ҳиссасига тўғри келади.

Бундан ташқари 1997 йилнинг 4 ойида 9 та нотинч оила ҳисобга олинган.

Жумладан: Банд қўрғонида яшовчи Молина Наталья 1962 йилда туғилган, 3 нафар вояга етмаган фарзанди бор. У болалари тарбияси билан шуғулланмай, енгил табиатли аёл бўлгани учун туман ИИБда рўйхатга олинган.

Албатта, жиноятга қўл урган ҳар бир кимса қонун доирасида жазосини олади. Аммо бу иш фақатгина давлат идораларининг вазифаси эмас, балки ҳар бир маҳалла, қўни-қўшни, умумий жамоатчиликнинг бурчи эканлигини унутмаслигимиз керак.

— Сиз билан учрашишдан олдин Жиззах туманига кириб ўтдик. Ўша ерда тасодифан бир бола билан гаплашиб қолдим. У Ш. Рашидов номли мактабнинг ўқувчиси — Собир Рўзиев экан. Гапдан-гап чиқиб, келажакда ким бўласан, дедим. У прокурор деди. Негалигини сўрасам — ҳамма прокурорнинг кафтида бўлади, истаган пайтида, истаган одамини пуфлаб ташлайди, деди. Ёш болада бу фикр қаердан пайдо бўлди экан?

— Қайси мактаб, оилада ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий таълим мукаммал экан, бундай ноўрин гапларга ҳожат қолмайди. Мактабларда айрим фанлар ўн бир йил ўқитилади. Аммо инсон, жамият, ҳуқуқ ҳақида арзимас соатлар ажратилган. Туманимизда 78 та ўрта мактаб бор. Аммо биттаям «Давлат ҳуқуқлари асоси» фанидан ҳуқуқшунос маълумотига эга бўлган ўқитувчи йўқ. Дарс 9-синфларда ҳафтасига бир соат ўтиляпти. Униям тарих, география, адабиёт муаллимлари олиб боришади. Эплаб ариза ёзолмаган болада прокурор ҳақида бошқача тасаввур бўлиши мумкинми?

— Ҳақиқатдаям ҳуқуқий билим саёзлигидан чиқади бу гаплар. Айримлар, эса ўз ҳақ-ҳуқуқларини, кимга қайси масалада мурожаат қилишни билмаганларидан овора бўлиб юрадилар.

— Биздаям шундай ҳол учраб туради. Буни тўғриси куйиниб, аламимдан айтаман. Чунки бу ачинарли факт. Аччиқ бўлсаям бир мисол келтираман. Қайсидир кун эди. Пенсионер отахон ҳузуримга келди. Учма қишлоғидан Ҳасан Олтинов эканлар. Ҳолаҳвол сўраб бўлгач отахон муддаога ўтдилар. У кишининг оилавий аҳволлари оғирлиги учун биздан моддий ёрдам сўраб келибдилар.

Янги қишлоқдан Очил Норқулов деган отахон ҳам шу масалада мурожаат қилиб, кам таъминланган оила бўлганлари сабабли кўмак сўрадилар. Уларга ҳаммасини тушунтириб, ўз маҳалла қўмиталарига ариза билан учрашишларини маслаҳат бердик. Биз ҳуқуқшунослар шундай ҳол юз берганини ўз айбимиз, халққа тушунтирмаганимиз, деб билсаккина муродимизга етамиз.

«Ўзбекистон овози» махсус мухбири Қурбон ЭШМАТОВ суҳбатлашди.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ДОМ»ДА ЎРДАК БОҚСАМ МАЙЛИМИ?»

Жиззах вилоят ҳокимлиги 1997 йил 17 апрель куни «Ўзбекистон овози» газетасида «Дом»да ўрдак боқсам майлими?» сарлавҳаси остида чоп этилган мақола билан танишиб чиқди. Мазкур мақолада зикр этилган Жиззах шаҳридаги «Иккинчи марказ» мавзесида жойлашган 9-уй ва бошқа уйларнинг ертўласида сув борлиги тўғрисида кўтарилган муаммолар тегишли ташкилот раҳбарлари ва мутахассислар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, ҳақиқатдан ҳам бу ҳудудда жойлашган уйларда бундай муаммолар мавжуд ва бу ҳолатни бартараф этиш учун керакли чора — тадбирлар ишлаб чиқилиб, бугунги кунда бу уйлар ертўласидан сувлар чиқариб ташланиб тозаланди. Ертўла қисми дориланиб, қуруқ ҳолатга келтирилди ва мавжуд камчиликлар бартараф этилди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари К. ҚОБИЛОВ.

«ЯНА ЎША, ЎШАМИ?»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1997 йил 10 апрель сонида чоп этилган «Яна ўша, ўшами?» сарлавҳали мақола Тошкент шаҳар ИИББнинг ХЧКваФ бошқармасида кўриб чиқилди.

Мақолада кўрсатилган Нафосат Матёқуб қизи фуқаролик паспортини Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманидан олгани аниқланди. Қаландарова Зарафшон Матяқубовнанинг миллий фуқаролик паспортида туғилган жойи ҳақиқатан «Элликқалин» деб ёзилгани аниқланиб, ҳозирги кунда «Элликқалъа» сўзига тўғриланиб, йўл қўйилган хато бартараф этилди.

Мақолада кўрсатилган хато ва камчиликларга келгусида йўл қўймаслик мақсадида келтирилган далиллар Тошкент шаҳар ИИББ ХЧКваФБ ва туман ИИБ ХЧКваФБ ходимлари иштирокида муҳокама этилди.

Ички ишлар бош бошқармаси хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бошқармаси бошлиғи Б. АРИФЖОНОВ.

«УЙ БЕКАЛАРИ ҚУВОНЧИ»

Вилоят ҳокимлиги Янгиқўрғон туманидаги Булоқбоши қишлоғида яшовчи Насиба Ҳайдарова ва бошқа бир гуруҳ фуқароларнинг «Ўзбекистон овози» газетасида эълон қилинган «Уй бекалари қувончи» сарлавҳали (1997 йил 11 март) хабари хусусида ҳамда қишлоқни газлаштиришга ёрдам сўраб ёзган аризаларини Янгиқўрғон туман ҳокимлиги мутахассислари, вилоят «Наманганга з» бошқармаси ва туман газлаштириш идораси раҳбарлари, Навкент қишлоқ фуқаролар йиғини раиси ҳамда аризачилар иштирокида ўрганиб чиқди.

«Наманган-Искавот» 31 км. масофадаги юқори босимли табиий газ тармоғи аризачилар ёзганидек, Навкент, Булоқбоши, Иттифоқ қишлоқлари орқали эмас, балки лойиҳага асосан Косонсой туманининг «Қуқумбой» ҳамда «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлари ҳудуди орқали ўтказилган бўлиб, газетада Искавотга табиий газ етиб борганлиги тўғри ёритилган.

Ҳозирги кунда Искавот-Навкент-Янгиқўрғон йўналиши бўйича 16 км. масофадаги юқори босимли табиий газ тармоғи қурилиши бошланган бўлиб, жорий йилда 10 км. масофага газ тармоғи тортиш режалаштирилган ва 8,5 миллион сўм маблағ ажратилган. Ушбу тармоқ қуриб, фойдаланишга топширилиши билан Янгиқўрғон тумани марказида газ таъминоти яхшиланиб, Булоқбоши, Навкент, Иттифоқ сингари бир неча қишлоқларни газлаштиришга имконият яратилади ва бу тўғрида аризачиларга тушунтирилди.

Аҳолини суюқ газ билан таъминлаш бўйича туман газлаштириш идораси томонидан жорий йилнинг ўтган 4 ойи мобайнида 25 тонна суюқ газ қишлоқ йиғини раислари билан биргаликда рўйхат асосида сотилган. Жумладан, Булоқбоши қишлоғидаги хонадонларга ҳам апрель ойида бир баллондан суюқ газ етказиб берилган бўлиб ушбуни аризачилар тасдиқладилар. Шу билан биргаликда юқоридаги қишлоқлар аҳолисини улар талабномалари асосида ўз вақтида суюқ газ билан таъминлаб бориш вазифаси туман газлаштириш идорасига юклатилди.

Туман қишлоқларини газлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларни янада тезлаштириб, ажратилган маблағларни тўлиқ ўзлаштирилишига эришиш бўйича туман ҳокимлигига ва вилоят «Наманганга з» бошқармасига кўрсатмалар берилди ҳамда унинг бажарилиши вилоят ҳокимлиги томонидан назоратга олинди.

Хат муаллифлари қишлоқларни газлаштириш масалалари бўйича мутахассислар томонидан берилган тушунтиришдан ва аризани текшириш якунларидан қониққанликларини билдирдилар.

Вилоят ҳокими Т. ЖАББОРОВ.



Асака туманидаги «Соҳибкор» ширкатлар уюшмаси мевазор ва узумзорлари қир-адирларга жойлашган. 450 гектарлик боғ-роғларга сув кучли насослар ёрдамида чиқарилади. Уюшма соҳибкор ва боғбонлари бу йил эл дастурхонига 800 тонна узум, 500 тонна мева маҳсулотлари армуғон этишга жазм қилганлар. Айни кунларда ноз-неъмат бунёдкорлари ўз меҳнатлари маҳсулидан ҳурсанд бўлишиб, ҳосилнинг дастлабки тонналарини эл дастурхонига тортиқ этмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: 1. Уюшманинг жонкуяр ишчиларидан Мастурахон Акбарова ўрикзорда. 2. Илғор боғбон Гавҳарой Комилова ширин меваларидан мамнун.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Эртага — тиббиёт ходимлари куни

САЛОМАТЛИК — МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 182-сонли қарорида қишлоқ аҳолиси ижтимоий инфраструктурасини 2000 йилгача ривожлантириш ҳақида гап борган эди. Қишлоқ аҳолисига тиббий ёрдам сифатини ошириш борасида вилоятимизда 20 ўринда қишлоқ шифокорлик пунктлари ташкил қилиниб, улар зарур тиббий асбоб-ускуналар ва автотранспорт воситалари билан таъминланди.

Инсон манфаатлари йилида амалга ошган эзгу ишларимиз ҳам кўп. Қибрай туманида 30 ўринли реабилитация бўлими ишга туширилди. Худди шундай бўлим Ангрен шаҳрида ҳам очилиш арафасида турибди. Шунингдек, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида 45та «Дамас» автомашинаси тиббиёт муассасаларига тарқатилди.

Болалар соғлиғини муҳофаза этиш, уларни маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан мамлакатимиздаги тиббиёт ходимларини чин қалбимдан табриклайман, уларга оилавий тинчлик, сиҳат-саломатлик тилайман!

Абдувоҳид СОДИҚОВ, Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Партия ахбороти

ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

УзХДП Сурхондарё вилояти кенгаши Қизириқ туман партия ташкилотининг маънавият ва маърифат марказлари иш тажрибаси мисолида кўргазмали семинар ўтказди. Семинар иштирокчилари тумандаги «Кунчиқиш», Охунбобоев номли деҳқон-фермер уюшмалари ҳамда нон маҳсулотлари комбинати бошланғич партия ташкилотлари қошидаги маънавият ва маърифат марказларининг ишлари билан атрофлича танишдилар.

Ж.Иброҳимов, Ғ.Жумаев, Ч.Алимов, П.Ашуров сингари партия фаоллари партиявий ишнинг бу муҳим бўғинида амалга оширилган юмушлар ҳамда галдаги вазифалар тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Кўргазмали семинарда вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ҳамро Эрматов нутқ сўзлади. Семинар ишида, шунингдек, вилоят жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз.

«СИМ-СИМ» СИРИ ОЧИЛДИ

Шаҳарнинг қадимий обидаларидан бири — Арки олий қалъаси тагидан ер ости йўли ўтганлиги ҳақида тахминлар бўларди. Бу шаҳарликлар учун тилсимотдек туюлар эди. Ўтган даврда кўпчилик бу ер ости йўли Исмоил Сомоний мақбараси билан Ситораи Моҳи Хоссани ўзаро боғласа керак, деган тахминлар юрарди.

Тасодифни қарангки, шаҳар тўйи муносабати билан қалъа деворини янгилаш чоғида бу тилсимот сири ошкор бўлди. Аркнинг шарқ томонидаги Бўриён дарвозаси ёнидан (бу Сомонийлар мақбараси йўналишига тўғри келади) кўмилиб кетган махфий йўлнинг бир қисми чиқиб қолганди. Шуни таъкидлаш керакки бу йўл ҳақида ёзма манбаларда маълумот йўқ. Боиси йўл пинҳона қурилгани, бундан Амир ва унинг яқинлари воқиф бўлган бўлса, ажабмас. Ҳар қандай шароитда душман қалъани қамал қилгудек бўлса, ер ости йўли орқали давлат хазинасини бошқа жойга кўчириш, ўқ-дори ва озиқ-овқат маҳсулотларини қулай жойга олиб чиқишга имкон бергани шубҳасиз.

Топилган йўл ер сатҳидан 2,5 — 3 метр чуқурликда жойлашган. Йўл эса гумбазсимон бўлиб, пишиқ ғиштдан ҳозирланган. Йўл тепасидаги қалинлиги 10 метр, баландлиги 20 метргача бўлган Арк девори юкини елкасида асрлар оша кўтариб келгани ҳам шундан бўлса керак. Бухоролик олимларнинг гапига қараганда ер ости йўли Аркнинг ичкарисигача олиб бориши керак.

— Эҳтимол, бу йўл бирор хона ёки майдончадан бошланганди, — дейди Бухоро Давлат университети профессори Фарҳод Қосимов. — Йўлнинг иккинчи қисми эса Арк ташқарисидаги кўча ва майдонларга туташ экан. Асосий йўлдан махсус бурилишлар, йўлакчалар ва бошқа иншоотлар юзага чиқса ажабмас.

Ҳа, қадимий шаҳар қўйнида қанчадан-қанча сир-синоат, жумбоқлар яширинган. Шу боисдан ҳам у қадрли. Зеро, йўлнинг тарихий обидаларида яширинган тилсимотларни очиш вақти етди.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ХОРИЖ

Яқин кунларда Малайзияга қарашли Лангкови оролидаги барча жониворлар махсус электрон сирға «тақиб юради», бу уларнинг хатти-ҳаракатини кузатиш ва назорат қилиш имконини беради. ДПА ахборот агентлигининг хабарига кўра, оролдаги жами сигирлар аллақачондан буён шундай сирға «тақиб юришибди». Бу сигирларни автомобиль яқинлашаётганидан огоҳлантиради ва уларни хавфсиз жойга ҳайдайди. Бу эса бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олади. Агентликнинг маълумотига кўра, тез кунда бошқа вазифаларни ҳам бажарадиган, яъни жониворлар ҳаётига инсонлар аралашувининг олдини олувчи сирғалар ҳам пайдо бўлади.

***

«Сидней Морнинг Геральд» газетасининг ёзишича, йигирма беш йилдан ортиқ муддат давомида австралиялик етим болалар олимлар ихтиёридаги тажриба объектига айланган. Олимлар етим болалардан грипп, оқшол, фалажлик каби касалликларга қарши даво чораларни излашда фойдаланишган. Тажрибалар Виктория штатидаги болалар уйларида ўтказилган. Ушбу газета қайд этишича, қирилиб кетиш даражасига келиб қолган. Она пингвинлар емак излаб узоқ-узоқларга кетиб қолмоқда. Болалари эса уларнинг қайтишларигача чидай олмай, очликдан нобуд бўлмоқда. Мақола муаллифининг ёзишича, кейинги ўн йилда магеллан пингвинларининг сони йигирма фоизга озайган.

***

Испаниянинг «Диарио-16» газетаси мамлакатнинг иқтисодий ҳаётига бағишланган мақола эълон қилади. Газетада ёзилишича, Испанияда иқтисодий аҳвол ва мамлакат раҳбарлари олиб бораётган сиёсий йўл орасида номутаносибликлар мавжуд. Мақола муаллифи, Испания кейинги вақтда иқтисодий жиҳатдан мисли кўрилмаган даражада ривожланган ва юқори даражада тараққий этган давлатлар қаторига киргани ҳақида ёзади.

МАТБУОТИ

Мельбурн штати пойтахтида бундай тажрибалар қирқинчи йилларнинг ўрталаридан буён ўтказилмоқда. Ноқонуний тажриба усули билан шуғулланувчи олимларнинг адвокатлари тажриба олиб бораётганларни «инсонлар ҳаётини сақлаб қолувчи қаҳрамонлар» дея атамоқда.

***

Британиянинг «Таймс» газетаси мухбири ёзишича, қадимдан Аргентинанинг шарқий қирғоқларида яшаб келаётган камёб магеллан пингвинлари очликдан

ЁЗАДИ

Сиёсий иқлим

Собиқ сенатор Пол Саймон Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг махсус назоратчиси сифатида шу йилнинг 15 июнида Хорватияда бўладиган президентлик сайловларида АҚШ томонидан назоратчилар гуруҳининг раҳбари сифатида иштирок этади.

***

Афғонистонда «Толибон» ҳаракатига қарши кучлар иттифоқи Пули Хумри шаҳрини қўлга киритиб, толибончиларнинг бутун мамлакатни эгаллаб олиш тўғрисидаги режаларини барбод қилди, дея маълумот беради «Интернет» ахборот агентлиги. Томонларнинг тўқнашуви пайтида толибончиларнинг уч минг нафар аскардан иборат гуруҳи тор-мор этилган.

***

Профессионал дипломат Жеймс Фоли АҚШ давлат департаменти расмий вакилининг ўринбосари лавозимига тайинланди. Бунга қадар у НАТОнинг учта бош котибига ёрдамчи бўлган.

***

Конга Республикаси пойтахти Браззавилда қарама-қарши томонлар ўртасида кучли отишма бўлиб ўтди. Бу ерда ҳатто чет эл элчихоналарининг биноларига ҳам ҳар хил ҳарбий ҳужумлар уюштирилган. Айрим Европа мамлакатлари Конгодан ўз хизматчиларини чақириб олмоқда.

***

АҚШ Давлат котиби Олбрайт хоним Буюк Британия ҳукумати таклифига биноан 1 июлда Гонконгнинг Хитой назоратига ўтиши маросимида иштирок этса-да, сиёсий мажбурият юкловчи тантаналарда қатнашмайди.

***

Норвегия қироли Харальд V Ослодаги матбуот конференциясида сўзга чиқиб, кейинги йилларнинг ўзгараётган шароитида давлатлараро муносабатлар Норвегия-Россия муносабатларидек ривожланиб борувчи аҳамият касб этиши лозимлиги хусусида гапирди.

ЎҒРИГИНА КУЁВ

АҚШнинг Аризона штатидаги бу ғалати никоҳ маросими худди ўзимизнинг «Ўғригина болам« ҳикояси қаҳрамонини эслатади.

Хушрўйгина, малласоч қиз Сильвия ёлғиз яшарди. 26 ёшдан ошса-да ўз «шаҳзода»сини учратолмасди. Ўтли муҳаббат ҳам уни четлаб ўтарди. Борабора Сильвия «севгидан толеим паст шекилли» дея қўл силтаб қўя қолди.

Қаранг-а, дунёнинг ишларини. Муҳаббатнинг кўзи кўр деганлари рост экан. Ҳамманинг бахти — қаллиғи эшикдан кириб келади. Сильвияга ҳам бахт кулиб боққан кун бор экан. Лекин унинг бахти эшикдан эмас... деразадан кириб келди. Кўпам ҳайрон бўлманг.

Қари қиз одатдагидек ишдан келиб, ёлғиз ёстиқ қучоқлаб ётарди. Ярим тунда тўсатдан деразадан кимдир ошиб тушди. Қиз шўрлик қўрққанидан дод солди. Шу пайт башарасига ниқоб тутган бақувват кимса: «Унингни ўчир, жонинг омон қолишини истасанг...» деди. Қиз қаршилик қилувди, роса дўппослади. «Чиқар борингни, йўқса... Яхшиси ўзинг тутқаз қўлимга, уйингни титкилаб ўтиришга вақтим йўқ!». Нотаниш одам дўқпўписа қиларди. Ўғри қизнинг «борини» йиғиштириб олгач, негадир кетишга ошиқмади. «Ё алҳазар, шу тобда-я... Ўзимни ёмон ҳис қиляпман, бир пиёла сув келтир, тезда ўтиб кетади» деса бўладими?

Сильвия ошхонага югурди. Сув келтиришга шошилди-ю, кўзлари беихтиёр кўча эшикка тушди... негадир мавриди туғилсаям кўчага қочмади. Ўғрининг айтганини қилди, сўнгра яна ошхонага чопди. Зумда қаҳва тайёрлади. Қараса ўғри ҳамон ниқоб остидан зўрға нафас олиб ётарди. Қиз шартта унинг башарасидан ниқобни олиб ташлади.

Ойдек йигит экан. Фақат ранги девордек оқариб, лабларининг тевараги кўкариб кетибди. Сал фурсат ўтмай «ўғригина йигит» ўзига келди. Ҳуши анча ўзига келиб, негадир қизга ажабланиб тикилиб қолди. Худди энди кўраётгандек. Сильвиянинг олижаноблигидан таъсирландими ё ҳайратини яширолмадими?

У туни билан шу ерда қолиб кетди. Эрталаб кета туриб: «Яна келаман!» деди у. Қиз индамай хайрлашди.

Росса Уэйкфилд эртасига яна келди. Фақат энди эшикдан, Сильвиянинг қўлини сўраб келди. Келинкуёв қўлтиқлашиб никоҳ маросимига борганда ҳали Сильвиянинг афт-ангоридаги «ўғри туширган» муштнинг зарби, моматалоқ бўлиб кўкариб турарди.

Саида БОНУ.

Турфа олам, турфа одам

ТЕЗ ГАПИРМАНГ, МИЯ СУЮЛАРМИШ

ИРЛАНДИЯ. Дублинлик мутахассислар «тез гапириш фойдалими-зарарлими?» мавзуида тадқиқот ўтказишди. Ирландия олимларининг бу масалага тўхталишларида жон бор, албатта. Чунки уларнинг кузатишича кейинги пайтда руҳий толиққан одамларнинг аксарияти тез гапирувчилардир.

Маълум бўлишича, асабийлашиб, тез гапириш мия хужайраларининг қаттиқ шикастланишига олиб келаркан. Ҳатто мутойиба қилаётганда ҳам тез гапирувчининг мияси толиқиб қолади. Яна бир томони тез гапирганда миядаги электр активлик анча ошади.

Аломат дунёнинг аломат гаплари

Тўғриси, биз буни «мияси суюлган» деймиз.

— Албатта, бу якуний хулоса бўлмаса-да, — дейди илмий-тадқиқот раҳбари Борис Селиз, — шуни аниқ айтамизки, электр активликнинг ошишиёқ мия хужайрасини қаттиқ шикастлайди, ҳатто ўлдиради. Ҳозирча бундан ортиқ фактларга эга эмасмиз. Аммо бор фактларга асосланиб, огоҳлантирамиз: шошилиб сўзламанг. Бу асаб торларингизни бўшаштиради, холос.

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.



Қирлар тилим-тилимдир. **Абдулғани ЖУМА олган сурат.**

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 16

ҲУРМАТЛИ ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР!
Профилактика муносабати билан 16 июнь, душанба куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.

I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Беодоб». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
18.45 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар клуби.
19.05 «Саҳна ҳаёти». Узбекистон халқ артиси Яйра Абдуллаева.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.30 Узбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
21.50 Хиванинг 2500 йиллигига. «Меҳр макони». 3-қисм.
22.10 УзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. «Бобур». Кўп қисмли видеофельм. 6-қисм.
12.45 «Файзли дамлар».
13.00 «Маслёнкиналик бузоқча». Мультфильм.
